

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлигини кучайтириш - давр талаби

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини кенгайтириш иқтисодиётда давом этаётган таркибий ўзгаришларнинг муҳим элементи бўлиб, барқарор иқтисодий ривожланиш учун муҳим замин бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегиясида мамлакат ва унинг минтақаларини экспортга йўналтирилган ривожланиш моделига ўтиш, жумладан, худудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва қўллаб-қувватлаш, ички бозордаги товар ва хизматларни жаҳон бозорларига киритиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши зарурлиги баён этилган^[1].

Шу туфайли давлатимиз раҳбари БМТ бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Марказий Осиё давлатлари ўртасида минтақалараро ҳамкорликни кучайтириш муҳимлигини таъкидлаб, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлида қатор конструктив ғоя ва ташаббусларни илгари сурганлиги бежиз эмас.

Демак, Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ўртасидаги минтақалараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш бугунги кунда долзарб вазифа ҳисобланади. Шуларни инобатга олган ҳолда, муаллифлар, Ўзбекистон билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги минтақалараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларини мамлакат ва унинг минтақалари иқтисодий ўсишининг муҳим манбаи, деб ҳисоблашади.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон билан Марказий Осиё давлатлари ўртасида минтақалараро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб беришдан иборат. Ишнинг асосий вазифалари: ташқи савдо айланмасини баҳолаш, мамлакатнинг рақобат устунликлари ва салоҳияти, Ўзбекистон минтақалараро ҳамкорлигининг тамойиллари ва асосий йўналишларини белгилаш ҳисобланади.

Тажриба шуни кўрсатадики, минтақалараро иқтисодий ҳамкорлик фаолият турларини диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг замонавий шакллари жорий этиш ҳамда маҳаллий маҳсулот ва хизматларни сотиш, хомашё сотиб олиш, мамлакатлар минтақалари ўртасида инвестиция ва меҳнат ресурслари ҳаракатида кузатиладиган тўсиқларни бартараф этишга кўмаклашади^[2].

2017-2019 йиллар бўйича “Товар ва хизматлар экспорт, импорт” Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитасининг статистик бюллетенлари ахборот базаси бўлиб хизмат қилди^[3]. Тадқиқотда қиёсий баҳолаш, гуруҳлаш, тизим ва тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилди.

2016 йилда бошланган янги иқтисодий сиёсатда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг энг муҳим элементларидан бири Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувининг сезиларли даражада фаоллашуви бўлди. Мамлакат ва унинг минтақаларидаги мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш Марказий Осиё мамлакатлари билан ташқи савдо ҳажмини босқичма-босқич ошириш имконини берди.

2017-2019 йилларда Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари экспорт салоҳиятини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш кўламини кенгайтириш ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш бўлди. Таҳлил қилинган даврда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси 2,9 баробар ошди, бу мамлакат савдо айланмасининг умумий қиймати ўсишидан юқори (Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажми шу давр мобайнида 1,5 баробар ошди) бўлди. Натижада Марказий Осиё давлатларининг ташқи савдодаги ҳиссаси 2017 йилда 10,2% дан 2019 йилда 19,1% гача ошган бўлиб, бу минтақаларо иқтисодий ҳамкорликни мустақкамлашдан далолат беради (**1-жадвал**).

1-жадвал

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан 2017-2019 йиллардаги ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, млн. АҚШ долл

Кўрсаткичлар	Йиллар	Жами	Шу жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари				Ўзбекистоннинг умумий савдо айланмасида Марказий Осиё мамлакатларининг улуши, %
			Қозоғистон	Қирғизистон	Тожикистон	Туркманистон	
Ташқи савдо айланмаси	2017	26983,2	2069,8	255	237,9	177,9	10,2
	2018	33553	2919,6	402,8	390,5	302,8	12,0
	2019	41751	3334,9	3334,9	820,3	480,5	19,1
Маҳсулот ва хизматлар экспортти	2017	12094,6	1071,6	179,6	186,1	69,9	10,8
	2018	13990,7	1352,2	269,7	237,5	59,5	13,7
	2019	17458,7	1392,9	669,6	327,6	144,3	14,5
Маҳсулот ва хизматлар импортти	2017	12137,6	998,2	75,4	51,8	108	9,4
	2018	19562,3	1567,4	133,1	153	243,3	10,7
	2019	24292,3	1942	150,7	152,9	410	10,9
Савдо айланмасининг сальдоси	2017	-43	73,4	104,2	134,3	-38,1	
	2018	-5571,6	-215,2	136,6	84,5	-183,8	
	2019	-6833,6	-549,1	518,9	174,7	-265,7	
Ташқи савдо айланмасининг ўсиши, %		154,7	161,1	1307,8	344,8	270,1	
Шу жумладан:							
маҳсулот ва хизматлар экспорти, %	2017-2019	144,4	130,0	372,8	176,0	206,4	
маҳсулот ва хизматлар импорти, %		20,1	194,6	199,9	295,2	379,6	

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тайёрланган 2017-2019 йиллар бўйича “Экспорт, импорт” статистик тўплами.

Шуни таъкидлаш жоизки, айрим иқтисодий фаолият турларида ўзига хос хусусиятлар ва рақобат устунликларига эга бўлган Ўзбекистон товар ва хизматларни экспорт қилишда муносиб ўрин эгаллайди (2019 йилда мамлакат товар ва хизматларини экспорт қилишда Марказий Осиё мамлакатларининг улуши 14,5% ни ташкил этди, бу эса 2017 йилга нисбатан юқоридир).

Шу билан бирга, минтақа мамлакатлари орасида асосий импортчилар Қозоғистон (умумий экспортнинг 8,0%) ва Қирғизистон (3,8%) ҳисобланади, Тожикистон ва Туркменистон эса ўртача кўрсаткичларга эга (1,9% ва 0,8%, мос равишда).

Товарлар ва хизматлар экспорт таркибининг таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистон кимё маҳсулотлари ва ундан олинадиган маҳсулотлар, машина ва ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистонга), шунингдек, қора металллар (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистонга экспорт) ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда рақобат устунлигига эга (2-жадвал).

2-Жадвал

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ташқи савдо айланмасини ривожлантиришда товарлар ва хизматлар экспортининг рақобат устунликлари (ихтисослашув коэффициенти асосида)

Маҳсулотлар тури	Қозоғистон	Қирғизистон	Тожикистон	Туркменистон
Кимёвий маҳсулотлар ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	1,699	1,426	2,347	2,139
Рангли металллар	0,645	0,232	0,068	0,003
Қора металллар	2,550	1,174	2,120	0,021
Ёқилғи ва нефт маҳсулотлари	2,172	0,096	0,786	0,016
Машинаы ва ускуналар	4,213	1,531	1,893	2,844
Озиқ-овқат маҳсулотлари	2,479	5,720	1,887	1,165
Хизматлар	0,498	0,180	1,906	3,221
Бошқалар	0,251	0,753	0,346	0,200

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тайёрланган 2017-2019 йиллар бўйича “Экспорт, импорт” статистик тўплами.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Марказий Осиёдан энергия ва нефть маҳсулотлари, рангли ва қора металллар ва бошқа маҳсулотларнинг асосий импортёри ҳисобланади.

Умуман олганда, бугунги кунга келиб, Марказий Осиё ҳукуматлари томонидан саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик, минтақалараро

хамкорлик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, таълим-тарбия хужжатларини ўзаро тан олиш тўғрисида шартномалар имзоланди. Ўзбекистон машинасозлик, электр, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати соҳаларида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамкорлик учун яхши истиқболларни кўрмоқда.

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон иқтисодий минтақалараро ривожланиш ва минтақада экологик хавфсизликни таъминлаш борасида ҳам Ўзбекистон учун муҳим ҳамкорлардир. Бу мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар халқларнинг тарихий яқинлиги ва ўзаро сиёсий ва иқтисодий манфаатларга асосланади.

Ҳамкорликни кенгайтиришнинг муҳим омили қўшма ва хорижий корхоналарнинг муваффақиятли фаолият юритишидир. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қозоқ сармояси иштирокида тузилган 200 дан ортиқ корхона (83% қўшма корхона ва 100% қозоқ сармояси билан 17% корхона) ва қирғиз сармоядорлари иштирокида тузилган 96 га яқин компания мавжуд. Ўз навбатида, Қозоғистон ҳудудида 150 га яқин корхона, Қирғизистонда эса кенг турдаги товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган 200 дан ортиқ қўшма қирғиз – ўзбек корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида минтақалараро ҳамкорликни амалга оширишнинг ижобий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ҳудудий кластер, савдо зоналарни ташкил этиш;

- юқори технологияли фаолият турларини (машинасозлик, фармацевтика, асбобсозлик, ахборотлаштириш ва алоқа) ривожлантириш ва амалга оширишда туман ва шаҳарларда саноатни ривожлантириш мақсадида ҳудудларга инвестиция ресурсларини жалб қилиш;

- маҳаллий маҳсулотлар, масалан, тўқимачилик маҳсулотлари учун ўз брендини шакллантириш, Марказий Осиёда савдо уйлари ва марказларини ташкил этиш;

- маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозорларга, хусусан, Марказий Осиё мамлакатларига, эркин савдо зоналари тўғрисидаги битимларни амалга ошириш доирасида чиқариш;

- таълим, соғлиқни сақлаш, бизнесни ривожлантириш ва инвестицион жозибадорликни ошириш соҳасида тажриба алмашиш, илғор техника ва технологиялар ишлаб чиқаришга жалб этиш;

- маҳаллий қувватлар ва ресурсларга асосланган қўшма лойиҳалар орқали узоқ ва чегара ҳудудларини (қишлоқ жойларини) ривожлантириш ва бошқалар.

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан тадқиқот ишлари доирасида ўтказилган минтақаларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан кўп томонлама ҳамкорлиги учун истиқболли йўналишларни аниқлаш имконини берди^[4].

Биринчидан, ишлаб чиқаришни жойлаштириш (пахта-тўқимачилик ва агросаноат кластер) замонавий шаклларини жорий этиш асосида қайта ишлаб чиқаришни чуқурлаштиришга қаратилган давлат саноат сиёсати иқтисодиётнинг хомашёга йўналтирилган ихтисослашувини камайтириш ва тайёр маҳсулотлар (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, тайёр мева ва сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотлари, тўқимачилик, фармацевтика, ва ҳоказо) экспорт салоҳиятини ошириш учун захира эканлигини таъкидлаш лозим. Шу муносабат билан минтақалараро лойиҳаларни амалга оширишда хорижий инвестицияларни жалб этиш, тўпланган тажрибани (масалан, Фарғона водийсининг ерга ишлов бериш, қурилиш ишлари бўйича тажрибаси ва бошқалар) жорий этиш, товарлар ва хизматларни сотишга ёрдам бериш учун қўшни мамлакатларда бизнес марказлари ва савдо уйлари яратиш мумкин.

Иккинчидан, Ўзбекистон йўловчилар ва юкларни трансчегаравий ташишни янада ривожлантириш учун етарли даражада ривожланган транспорт инфратузилмасига эга. Марказий Осиё давлатларини бирлаштирувчи ва ташқи бозорларга чиқувчи энг муҳим транспорт йўлакларини барпо этиш ва модернизация қилиш лойиҳаларини амалга ошириш, транспорт логистикасини ривожлантириш харажатларни камайтиради, мамлакатлар ўртасидаги савдони оширади ва Буюк ипак йўли бўйлаб туризмни ривожлантириш истиқболларини очади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон чегара ҳудудлари билан қўшни давлатларнинг тегишли чегара ҳудудлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган трансчегаравий савдони ташкил этиш нуктаи назаридан ягона йўлак яратиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, аҳоли нисбатан зич жойлашган ҳудуд ва меҳнат ресурсларининг мавжудлиги билан ажралиб турадиган Ўзбекистон учун аҳолининг фаол меҳнат миграцияси долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ташқи меҳнат миграцияси - меҳнат ва малакали кадрларнинг мамлакат ҳудудларидан иқтисодий жиҳатдан нисбатан ривожланган мамлакатларга чиқиши билан изоҳланади. Ўзбекистон аҳолисининг Марказий Осиё давлатлари билан бандлигини таъминлаш бўйича минтақалараро ҳамкорликни ташкил этиш доирасида барча томонлар учун қулай битимларга эришиш мумкин. Бу йўналишда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасини кенгайтириш, кейинчалик аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятлари ҳам мавжуд.

Тўртинчидан, Марказий Осиё минтақаларининг умумий муаммоси сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва экологик вазиятни барқарорлаштиришдир^[5].

Ягона энергетика тизимининг қайта тикланиши Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистонга умумий қувватлардан фойдаланиш ва энергия таъминоти билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш имконини беради. Ягона электр энергияси бозори истеъмолчиларга ошқора нархлар белгилаш имконини беради ва аъзо давлатларнинг иқтисодий ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

Марказий Осиё минтақаларидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатлар доирасида “сувнинг қуйи қисми”даги давлатларда (Қозоғистон, Ўзбекистон ва Туркменистон) сув танқислигини бартараф этиш, “сувнинг юқори қисми”даги мамлакатларни (Қирғизистон ва Тожикистон) эса гидроэлектр станцияларидан электр энергияси билан таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш орқали сув сарфини камайтириш бўйича чора-тадбирлар ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шундай қилиб, минтақавий ва минтақалараро иқтисодий муносабатларни янада кучайтириш Марказий Осиё давлатлари учун ягона иқтисодий бозорни яратиш, минтақавий ва жаҳон бозорларида маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, инновацион жараёнларни жадаллаштириш, ягона илмий ва таълим салоҳиятини шакллантириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш орқали уларнинг таракқиётига сезиларли ижобий туртки беради.

Одил Олимжонов,

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Элнорахон Якубова,

бош илмий ходим

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017й., 6-сон, 70-модда.
2. Лукин Е.В. Межрегиональное сотрудничество как фактор регионального развития. Ж.: Россия: тенденции и перспектива развития, 2016 г.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тайёрланган 2019 йил бўйича “Экспорт, импорт” статистик тўплами.
4. Ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш ва минтақалар иқтисодиётини диверсификациялашнинг методологик асосларини такомиллаштириш мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳисобот, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, 2017 й.
5. Экологические проблемы Центральной Азии. Электронный источник: <https://ural-eurasia.ru/pro-zasedaniya/news/159-ekologicheskie-problemy-tsentralnoj-azii>.